



**"CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY"
XALQARO TIBBIYOT UNIVERSITETI**

ISSN 2181-4155

ActaCAMU

**maxsus son
№2 (10.1) 2025**

**“ATROF-MUHIT STRATEGIYASI, SOG‘LIQNI
SAQLASH VA YASHIL IQTISODIYOTNING
INTEGRATSIYASI –BARQAROR
KELAJAK ASOSI”**

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani
materiallari to‘plami
14 -15 may 2025 yil.**

FARG‘ONA - 2025

МАКТАБ МУҲИТИ ШАРТ ШАРОИТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Dolzarblici. Мактаб ичи таълим шароитларини муҳити ва ўқув жараёни таълим оладиган болалар ва ўсмирларнинг соғлиғига катта таъсир кўрсатади. Ўрта синфларда аллақачон табақалаштирилган таълимнинг жорий этилиши, ўқув дастурларининг юқори ва мураккаблиги, уй вазибаларининг катта ҳажми, дарс жадвалини тузишининг гигиеник принципларининг бузилиши, ўқув жараёнини ташкил этишда норматив-услубий ҳужжатларда кўзда тутилмаган ўқув материалларидан фойдаланиш замонавий мактабнинг ўзига хос хусусиятларига айланади.

Материал ва усуллар. Тадқиқот иши Фарғона вилояти 38 ва 44-сонли умумтаълим мактабларининг ички мактаб шароитлари ўрганилди ва амалдаги санитар қоида ва меъёрлар билан солиштирилди.

Натижалар. Тадқиқотимизда Фарғона вилояти 38-мактаб ва 44 -сонли мактабларнинг мактаб ичи шароитлари ўрганилганда натижаларга кўра амалдаги санитария талаблари ва меъёрлардан (СанҚваМ № 0341-16 “Умумтаълим мактабларида таълим шароитлари ва ташкил этилишига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талаблар”) қатор силжишлар бор бўлиб, 38-мактабда 98 фоизи ва 44 -сонли мактабда эса 122 фоизи мактабларнинг амалдаги сиғимининг лойиҳавий сиғимдан ошиб кетганлиги, мактаб ер участкаларининг етарлича кўкаламзорлаштирилмаганлиги аниқланди. Ҳар иккала мактабларнинг синф хоналари ўрганилганда бир ўқувчига тўғри келадиган майдони ва ҳажми гигиеник талабларга жавоб бермайди. Мактабларнинг санитария-техник жиҳозлари (сув таъминоти, канализация, вентиляция) тўлиқ таъминланмаганлиги аниқланди.

38 ва 44-мактабда стол баландлиги ва ўқувчининг бўйи ўртасидаги номувофиқлик кўпроқ характерланади: бошланғич синфларда тегишли ўлчамдаги мебеллар 71,3% (26,8-90%) ҳолларда, ўрта ва юқори синфларда – 52,3% (20-73,4%) ҳолларда қўлланилади. Иккала мактабнинг I босқичидаги синфлар кўп ҳолларда 2 ва 3 рақамли мебеллар билан жиҳозланган, мактабларнинг II ва III босқичларида 4 ва 5 рақамли стол ва стуллардан фойдаланилади.

Таълим муассасалари асосий хоналарининг ёритилиши ўрганилганда табиий ёритилганликнинг номувофиқ параметрлари аниқланди, ва бу айниқса лицей учун жуда хослиги қайд этилди. Табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) ҳам гигиеник талабларга жавоб бермайди. Текшириб чиқилган таълим муассасаларнинг 50% ўқув хоналарида ёритилганлик коэффициенти (ЁК) 1:5 ни ташкил қилади, меъёрда 1:6. Сунъий ёритилганлик натижаларига кўра текширишлар даврида 25% гача лампалар ишламаган, синф доскаси ёритгич чироқлар билан таъминланмаган. Шунинг ҳисобига ёритилганлик талаб этиладиган даражасида эмас.

Таълим муассасалари асосий хоналарининг микро иқлим кўрсаткичлари (ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, ҳавонинг ҳаракат тезлиги) ҳам ўлчанганда йилнинг совуқ фаслида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик меъёрдан юқорилиги аниқланди.

Йилнинг совуқ даврида ҳаво ҳарорати ўртача ҳисобда йилнинг совуқ даври учун белгиланган меъёрдан ошмаганлиги аниқланди. Ҳавонинг намлиги ва унинг ҳаракат тезлигига келсак, бу кўрсаткичларнинг параметрлари барча ҳолатларда белгиланган гигиеник меъёрлари доирасида эди.

Хулоса. Мактаб ичи муҳитини текшириш натижалари мавжуд санитария талаблари ва меъёрларидан четланишлар борлигидан далолат беради. Мактабларнинг амалий сиғими лойиҳавий сиғимдан 98 - 122% га, ошганлиги, ўқув хоналарининг меъёрдан кам ва сифатсиз ёритилиши билан характерланади. Ўқув мебелининг ўқувчиларнинг антропометрик кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги, мактаб столларининг тамғаланмаганлиги ва болаларни партага ўтқизиш қоидаларининг бузилиши аниқланди.

144.	QUTIRISH KASALLIGIGA SHUBHA QILINGAN BEMORLAR BILAN ISHLASH -----	429
145.	SOMATIK KASALLIKKA CHALINGAN BEMORLARDA YUQUMLI KASALLIKLARNING KECISHI -----	432
146.	ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ПРОИЗВОДСТВА ОРГАНИЧЕСКОЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ В УСЛОВИЯХ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА -----	436
147.	ORTIQCHA VAZN KELIB CHIQISHIGA ANTIBIOTIKLARNI SALBIY TA'SIRI -----	439
148.	МАИШИЙ КЕРАМИКА МАҲСУЛОТЛАРИДАГИ ҚЎРҒОШИННИНГ МИГРАЦИЯСИ ВА ОРГАНИЗМДАГИ КУМУЛЯТИВ ТАЪСИРИ: ТОКСИКОКИНЕТИК ТАҲЛИЛ -----	442
149.	TO'G'RIQANOTLILAR (ORTHOPTERA) NING ATROF-MUHITGA TA'SIRI -----	446
150.	ВЛИЯНИЯ АДЕНОМИОЗА НА КАЧЕСТВО ЖИЗНИ ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА -----	449
151.	ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ СИНДРОМА СУХОГО ГЛАЗА СРЕДИ БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН -----	450
152.	ОРГАНИЗАЦИЯ РАЗЪЯСНИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ ПРИ ОБСЛЕДОВАНИИ ЖЕНЩИН НА ВИРУС ПАПИЛЛОМЫ ЧЕЛОВЕКА -----	451
153.	ПРОФИЛАКТИКА НЕПРЕДНАМЕРЕННЫХ ТРАВМ У ДЕТЕЙ -----	452
154.	СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЭКСПЕРТНОЙ ОЦЕНКИ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНОГО ТРАВМАТИЗМА -----	453
155.	ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИ ЗНАЧИМЫЕ МЕРЫ ПРОФИЛАКТИКИ КИШЕЧНЫХ ПАРАЗИТОВ -----	454
156.	СКРИНИНГ ЗАБОЛЕВАНИЙ ГЛАЗ У ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ -----	456
157.	МАКТАБ МУҲИТИ ШАРТ ШАРОИТЛАРИНИ БАҲОЛАШ -----	457
158.	QATTIQ SHAKLDAGI DORI VOSITALARINI ISHLAB CHIQRISHDA ISHLOVCHILAR SALOMATLIGINI SAQLASH -----	458
159.	XAMMOMLARDA ZARARLI VA XAVFLI OIMLLARNI INSON ORGANIZMIGA SALBIY TA'SIRINI O'RGANISH USULLARI -----	459
160.	РОЛЬ САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИХ СЛУЖБ В ПРОФИЛАКТИКЕ ИНФЕКЦИОННЫХ И НЕИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ -----	460
161.	РОЛЬ КИШЕЧНОГО МИКРОБИОМА В ПРОГРЕССИРОВАНИИ НЕАЛКОГОЛЬНОЙ ЖИРОВОЙ БОЛЕЗНИ ПЕЧЕНИ И РАЗВИТИИ ФИБРОЗА -----	461
162.	СПОРТЧИЛАРДАГИ ЭМОЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИ ДИҚҚАТ КОНЦЕНТРАЦИЯСИГА БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ -----	463
163.	МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA TO'G'RI OVQATLANISHNING SOG'LIQKA TA'SIRI -----	464